

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЗАКОВА МАРҲАБО КУДРАТОВНА

**АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК
ҚАРАШЛАРИДАН ДИДАКТИК ЖАРАЁНДА ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Казакова Мархабо Кудратовна

Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан дидактик
жараёнда фойдаланиш..... 5

Казакова Мархабо Кудратовна

Использование научно-методических взглядов Азизиддина Насафи
в дидактическом процессе..... 21

Kazakova Marhabo Kudratovna

The use of scientific and methodological views of Aziziddin Nasafi in the
didactic process..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЗАКОВА МАРҲАБО КУДРАТОВНА

**АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК
ҚАРАШЛАРИДАН ДИДАКТИК ЖАРАЁНДА ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2.PhD/Ped 896 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Ризамат Давронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Нуруллаева Шахло Уктамовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил "25" сентябрь куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201-хона.

Докторлик диссертацияси билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил "13" сентябрь куни тарқатилди (2021 йил "13" сентябрь даги 12 рақамли реестр баённомаси).



Б.Р. Адизов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.д., (PhD)

Х.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда асарларидаги шахснинг шаклланиши ва тузилиши, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар, шахс шаклланишида миқдор ва сифат ўзгаришлари, алломанинг маънавиятга эришиш йўлидаги таълимоти, шахснинг маънавий-ахлоқий кўриниши, маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтирувчи омиллар, устоз ва шогирд муносабатлари, таълим ва тарбия методлари таснифи, маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари, омиллари ҳамда шаклланганлик даражаси сифатида таснифлашга алоҳида диққат қаратилмоқда. Ёшларни ҳар томонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Айти жиҳат асосий назарий муаммолардан бири сифатида тадқиқ қилиниб келмоқда.

Жаҳон илмида ўз ўрнига эга бўлган алломалардан бири Азизиддин Насафийнинг маънавий мероси, унинг комил инсон ҳақидаги ғоялари турли мамлакатларнинг тадқиқотчилари, жумладан, эронлик Абулхусайн Зарринкуб, Аҳмад Махдавий Домғоний, европалик Август Муюлдер, Ллойд Райджен, хусусан, францияликлар Э.Х. Палмер, Море Жан Мола, немис шарқшуноси Фриц Мейер, рус шарқшуноси А.Е. Бертельс томонидан катта қизиқиш билан самарали ўрганилиб, унинг асарлари мазкур тилларга таржима қилинган. Инсондаги маънавиятлилик, маърифатлилик ва мукамалликнинг илмий-педагогик асосларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамиятни қарор топтириш жараёни давом этаётган бугунги кунда янгича ижтимоий муносабатларни шакллантириш маданий мерос сабоқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Ахлоқий меъёрлар ҳаётнинг бош мезони сифатида белгиланган Азизиддин Насафий асарларида шахснинг жисмоний, маънавий, руҳий камолоти, хулқ атвори ҳақида ибратомуз фикрлар ўз ифодасини топган. Хусусан, комил инсон тарбиясида оила, жамият, меҳнат, ҳунар ва таълим ҳамда устознинг ўрни каби қатор масалалар ёритилган. “Жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосий вазифа сифатида”¹ белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш учун бой маънавий меросимиз, миллий қадриятимиз талабаларнинг маънавиятини ривожлантирувчи, жамият тараққиётини таъминловчи, самарали таъсир этувчи омил эканлигини англаганимиз ҳолда, бу борада имкониятларни аниқлаш ва педагогик шарт-шароитларни кенгайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда Азизиддин Насафий ижодининг умумий тавсифини ҳамда мукаммал инсон тушунчаси мазмун-моҳиятини очиқ беришда баъзи тасаввуфшунос олимлар қарашлари билан қиёсий тарзда ўрганиш Нажмиддин Комилов, Одил Давлетов, Абдулла Шер, Иброҳим Ҳаққул; Насафий ижодини маънавий эстетик нуқтаи-назари М. Нурматова, Б. Қаҳҳоровалар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Е. Бертельс, П.Ш. Саиджафарова, И.У. Шарифовларнинг тадқиқотларида Азизиддин Насафийнинг ғоявий қарашларидан илмий-педагогик, илмий-методик жиҳатдан тадқиқ қилиш имкониятлари ва механизмлари баён этилган.

Хорижий олимлардан Абулхусайн Зарринкуб, Аҳмад Махдави Домғоний, Август Муюллер, Ллойд Райджен, Э.Х. Палмер, Море Жан Мола, Фриц Мейерлар томонидан Азизиддин Насафий меросининг илмий-фалсафий, бадиий-маърифий жиҳатлари борасидаги соҳадаги тадқиқотлари амалга оширилган.

Насафий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш муаммоси мамлакатимиз ҳамда хорижлик олимлар томонидан қисман ўрганилган бўлса-да, бироқ Насафийнинг мукаммал инсон ғояси ҳали ҳануз дидактика жиҳатидан алоҳида тадқиқот иши нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Бундан эса, Азизиддин Насафийнинг таълим тарбия ҳақидаги қарашларининг педагогикага татбиқи нуқтаи назаридан изланиш олиб боришнинг зарурати келиб чиқади. Ушбу эҳтиёж Азизиддин Насафийнинг комил инсон ғояси моҳияти ҳамда унинг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамиятини очиқ беришнинг назарий ва методик ҳолатларини аниқлаш муаммосини юзага келтиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-173. “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзуси (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги ғояларидан дидактик жараёнда самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, аниқлаш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги таълимий-тарбиявий қарашларини таълим назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш;

комил инсон ҳақидаги таълим-тарбиявий қарашларда илгари сурилган ғоялар моҳиятини таҳлил қилиш;

инсон мукамаллиги ҳақидаги фикрларининг замонавий таълим амалиётига тадбиқ этиш йўллари аниқлаш;

илмий-методологик, ахлоқий-тарбиявий ғояларини талабаларга тушунтириш методикасини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш

Тадқиқотнинг объекти сифатида Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги ғояларини ўрганиш, улардан замонавий таълим амалиётида фойдаланиш имкониятини аниқлаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини Азизиддин Насафийнинг инсон таълим-тарбияси ҳақидаги ғояларидан дидактик жараёнда самарали фойдаланишнинг мазмун, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот жараёнида дидактик материаллар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақойиқ”, “Комил инсон” асарларининг маърифат, иймон, инсоф каби хусусиятлари таълим-тарбия ҳамда шахс таракқиёти йўналиши бўйича таснифланиб, улардан дидактик жараёнда фойдаланишнинг назарий-амалий аспектларини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

маънавий-ахлоқий тарбияни ривожлантириш босқичлари панд-насихат, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоятлар каби илмий қарашлар тизими мазмунидан фойдаланиш ҳамда юксак иродавий шахсни тарбиялашда маҳсулдор таълим билан интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

Азизиддин Насафий асарларининг тарбиявий имкониятларидан таълим, тарбия ва шахс таракқиёти, шахс фаоллиги тушунчаларидан шахсга йўналтирилган таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик имкониятлари педагог-талаба, талаба-талаба, талаба-жамоа муносабатларини оптималлаштириш асосида аниқлаштирилган;

комил инсон тарбиясига доир назарий маълумотларни педагогик жараёнга татбиқ этишда “Ассисмент”, “Каскад”, “Свот-таҳлил”, “Инсерт” сингари инновацион технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақойиқ”, “Комил инсон” асарлари мазмунидаги комил инсон ҳақидаги педагогик қарашлар тизимини ўрганиб чиқиш натижасида “Нахшабий-Насафийлар аллеяси” ғояси тақлиф этилган;

Азизиддин Насафийнинг тарбиявий, таълимий қарашларида илгари сурилган ғоялар моҳияти таҳлил қилиниб, “Насафий алломаларнинг маънавий меъроси” номли электрон дастур яратилган;

Азизиддин Насафийнинг методологик қарашларидан замонавий таълим амалиётида фойдаланиш йўллари ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари асосида “Азизиддин Насафийнинг таълим-тарбия ҳақидаги кадриятларга оид фикрлари” номли рисола нашр эттирилган;

Азизиддин Насафийнинг таълимий-ахлоқий ғояларини талабалар онгига сингдиришга доир интерфаол таълим методлари мажмуи ишлаб чиқилиб, “Насафийларнинг педагогик қарашлари” ўқув қўлланмаси нашр этилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган талабалар сонининг белгиланган талабларга мослиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга асосланганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, таҳлилий материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалар орқали оммалаштирилганлигида ўз аксини топганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Азизиддин Насафийнинг маънавий мероси тазкиранавислик (антология), шарҳнавислик, таржимонлик ҳамда тадқиқот йўналишлари бўйича тавсифлангани, унинг “Комил инсон” ва “Зубдатул ҳақойиқ” асарларидаги маънавий-ахлоқий тарбияга оид педагогик қарашларининг “устоз-шогирд”, “жамоа”, “таълим-тарбия”, “илм” йўналишлари бўйича таснифдан фойдаланиш имкониятлари ҳамда муаллифлик ёндашуви асосида педагогик таҳлилнинг шакллантирилганлиги, уларнинг мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, мавжуд назарий-фундаментал билимларнинг кенгайтирилганлиги, мазмунан педагогика фанлари тизимида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти натижасида Азизиддин Насафийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан дидактик тизимда ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланишга оид таклифлар “Насафий алломаларнинг маънавий мероси мобил иловаси” электрон дастури, ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган “Насафий алломаларининг педагогик қарашлари” ўқув қўлланмадан педагогика йўналишидаги мутахассисларни касбий тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шу билан мамлакатимиз ёшларига Насафийлар замани ҳақида тизимли билим бериш, тарихий шахсларни улуғлаш, уларни дунёга танитиш мақсадида “Нахшабий-Насафийлар алияси”ни ташкил этиш ғоясининг ишлаб чиқилганлиги ёшлар маънавиятини бойитиш омили бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Азизиддин Насафийнинг маънавий ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш бўйича илмий натижалари:

Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақойиқ”, “Комил инсон” асарларини педагогик моҳиятининг ўзига хос хусусиятлари (маърифат, иймон, инсоф) таълим, тарбия ҳамда шахс тараққиёти йўналиши бўйича таснифланиб, дидактик жараёнда фойдаланишнинг назарий ва амалий аспектларини таъминлашга доир таклифлардан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 августдаги 183/1-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ўтмиш алломалар, маънавий мерос объектларига нисбатан фахр туйғусини шакллантиришга хизмат қилган;

Маънавий тарбияни ривожлантириш босқичлари “Комил инсон” ва “Зубдатул ҳақойиқ” асарларининг илмий қарашлар тизими (панд-насихат, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоятлар) мазмунидан фойдаланиш ҳамда юксак иродавий шахсни тарбиялашда продуктив (маҳсулдор) таълим билан қайта алоқасини интеграциялашга доир таклиф ва тавсиялардан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 августдаги 183/1-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда Азизиддин Насафий меросини тизимли ёндашув асосида ўзлаштириш орқали таълим самарадорлигини оширишга эришилган;

Педагогик жараёнда Азизиддин Насафийнинг маънавий меросидан фойдаланишдаги энг мураккаб бўлимлар ҳисобланган комил инсон тарбиясига доир назарий маълумотларни талабалар онгига сингдиришда “Ассисмент”, “Каскад”, “Свот-таҳлил”, “Инсерт” сингари инновацион таълим технологияларидан амалда фойдаланиш орқали ўқитиш самарадорлигини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар “Насафий алломаларининг педагогик қарашлари” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, № 237-т-010). Натижада талаба амалий фаолиятида маънавий-ахлоқий тарбия бериш имкониятини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, жумладан, битта ўқув қўлланма, 10 та мақола, ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган хорижий илмий нашрларда 2 та ҳамда республика илмий журналларида 4 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 121 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу юзасидан хорижида, мамлакатимизда бажарилган илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни шакллантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертацион тадқиқот ишининг “Азизиддин Насафийнинг фалсафий-педагогик меросини ўрганишнинг назарий асослари” деб номланган биринчи бобида қадимий Насаф ва Насафий аллома Азизиддин Насафийнинг ижодий фаолиятини ўрганишга бўлган ҳаракатларга нисбатан ўзига хос ёндашув таҳлил қилинган. Мазкур бобда Насаф ва унинг тарихи ҳақида кўплаб солномачилар ва таскирачиларининг маълумотлари келтириб ўтилган.

	Асар номи	Муаллиф	Мазмуни
1	“Ақсон ун-тақсим”	Муқаддаси Башори	Мовароуннаҳр тарихи баён этилган.
2	“Ал-булдон” (“Доно билимдон”)	Ёқубий	Қадимий географик маълумотларни ўз ичига олган
3	“Худуд ал-олам” “ал-Масолик вал-мамолик”	Ибн Хурдодбех	Турли халқлар ва вилоятлар, жумладан, Насаф таърифланган
4	“Муъчам-ул-булдон”	Ёқуб Ҳамавий	Адиб ва олимлар ҳақида таскира
5	“Лубоб ул-албоб”	Саъдуддин Муҳаммад Авфий	Насаф шаҳри мутафаккирлари ҳақида маълумот

Нақшаб ва Насаф худудидан етишиб чиққан алломаларга Нахшабий ва Насафий нисбалари берилганлиги, кўплаб мутафаккирларнинг номлари эса мазкур худуд билан боғланганлиги сир эмас. Турли манбаларда қайд этилишича, хусусан, “Ал-жавоҳир ал-мазият” асари муаллифнинг маълумот беришига қараганда мазкур шаҳарда қирқдан ортиқ олим ва шоирлар яшаб ижод этганлиги таъкидланади. Насафнинг илмий, маънавий-маданий ва адабий муҳити машҳур мутафаккир, файласуф шоир ҳамда табиб Азизиддин Насафийни тарбиялаб, тарих саҳнасига олиб чиқиши, унинг мероси эса ўрта аср маданиятида ўзига хос бўлган ўринни эгаллаши баён қилинади.

Азизиддин Насафий ўсмирлик даврида Бухорога келиб, анъанавий мадраса таълимидан ташқари, қўшимча тарзда тиббиёт асосларини ҳам ўрганади. Унинг “Кашф-ул-хақойиқ” асарида ёзилишича у тиббиёт амалиётига эга бўлиб, касалларни парвариш қилиш ва даволашни ўзининг ҳар кунлик мажбурияти ҳисоблаб: “... ва сизнинг хизматкорингиз қанчадир вақт табиблик билан шуғулланган деганлар ҳақдир, ... тиббиёт илмини ўрганишдан мақсадим, тадқиқотлар натижасида ўзимга ишонч ҳосил қилишдан иборат эди” деб ёзиб қолдирган.

Азизиддин Насафий тиббиёт фани назариясини ўзлаштириш билан бирга, амалиёт олиб боради ва узоқ йиллар давомида беморларни даволаш билан шуғулланган.

Азизиддин Насафий машҳур суфий Шайхулмашойих Саъдуддин Ҳумавийга мурид ёки бошқача айтадиган бўлсак шогирд бўлиб тушади ва суфизм (сулук) йўлини танлайди. Ана шу машҳур суфийнинг таъсири остида у фалсафий асарларни ярата бошлайди.

Азизиддин Насафий суфий ва файласуфларнинг шариат, якка худолик ва шу кабилар ҳақидаги қарашларини таҳлил қила туриб, ўз фикрлари устозининг қарашлари билан яқинлигини ҳар доим қайд этади.

Азизиддин Насафийнинг ўз муршидига яъни устозига нисбатан бўлган чексиз ҳурматини тасдиғини унинг келтирган фикрларидан ҳам кузатиш мумкин: “билки тариқат йўлининг устунлари қуйидагидир: биринчи устун – йўл юриш (йўлбошчи бўл), бусиз тасаввуф йўлини яъни сулукни тасаввур қилиб бўлмайди; иккинчи устун – ана шу йўлга содиқлик ва меҳрдир. Йўловчи йўлбошчига етиб олиши у томонидан қабул қилинса, у ҳолда мақсадга тез етиши учун дунёда ундан бошқа ҳеч кимга меҳр қўймаслиги керак, чунки бу йўлда унинг юкини енгиллаштирувчи улови ўз иродаси ва меҳридир. Агар ирода ва меҳри турғун, қатъиятли бўлса, унда улови ҳам турғун, қатъиятли бўлади”². Чунки йўловчининг устозига етиб боришидаги улови унинг меҳри ва иродаси ҳисобланади. Бунинг маъноси, бошқа кишига меҳр қўймасдан устозингга эргашсанг мақсадингга эришиш осон бўлади деганидир.


Азизиддин Насафийнинг “Кашф-ул-ҳақойик” (Ҳақиқатлар кашфи), “Комили инсон”, “Мақсад-ул-ақсо” (Дунёнинг яратилиш мақсади), “Зубдат-ул ҳақойик” ва бошқа шу каби машҳур асарлар муаллифидир.

Азизиддин Насафий ҳақида биринчилардан бўлиб антология муаллифи (таскирачи) Ҳусайн Бойқоро “Мажлис ал-ушшоқ” (Севишганлар мажлиси)да маълумотлар беради. Сўнгра эса Ризоқулихон Хидоят “Риёз-ул-орифин” (Тасаввуфчилар боғи)да Ҳусайн Бойқоронинг фикрларини деярли такрорлаб ўтади. Бир қанча бошқа антологиялар (таскиралар) муаллифлари ҳам Ҳусайн Бойқоро маълумотларини такрорлайдилар. Бошқа муаллифлар эса бу маълумотлар билан чекланмаган ҳолда ривоят ва нақилларни ҳам келтириб ўтганлар.

Азизиддин Насафий Европа шарқшунос-тадқиқотчиларининг изланишларида алоҳида ўринни эгаллайди бу эса эътиборга моликдир. Европа тадқиқотчиларида тасаввуф ва сўфизимга ўзига хос муносабат ҳамда боғлиқлик мавжуд. Хусусан, Фарб тадқиқотчилари бошқа тадқиқотчиларга қараганда Азизиддин Насафийнинг ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишган.

Таълим-тарбия нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Азизиддин Насафий инсон комилликка эришишининг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган:

² Азизиддин Насафи. Китоб -ул - инсон. – 95 б.



1-расм. Азизиддин Насафий ғоясига кўра комил инсонни ташкил этувчи асослар


Азизиддин Насафий икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган: биринчиси, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар; иккинчи, ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар; учинчиси, ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги – учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: “бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади”. Шу тариқа, ўша замонда мукаммал инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мазкур бобда Азизиддин Насафийнинг маънавий-ахлоқий тарбияли инсонни шакллантиришга оид қарашларини педагогик тадқиқ қилиш янгиликни асат-секин, унинг фойдалигига ишонч ҳосил қилиб, ҳар томонлама текшириб, кейинги ишларда қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган. Олий таълим муассасалари талабаларида Азизиддин Насафийнинг маънавий-ахлоқий тарбияли инсонни шакллантиришга оид қарашларидан фойдаланиш бўйича “Насафий алломаларнинг педагогик қарашлари” ўқув дастури ишлаб чиқилганлиги таъкидланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги ғояларидан таълим жараёнида фойдаланиш йўллари**” деб номланган бўлиб, унда Азизиддин Насафийнинг педагогик фикрларининг тарбиявий аҳамияти, Комил инсон қиёфасида акс этувчи маънавий-ахлоқий сифатлар ёритиб берилган.

Азизиддин Насафий асарларининг мазмуни ислом дини таълимот таъсирида яратилган бўлсада, уларнинг мазмунида ётган асосий ғоялар – ахлоқий тарбияга оид фикрлар педагогик қимматга эгаллиги билан диққатга сазовор. Шу жиҳатдан асарлардаги фикрлар, Насафий ҳикматларидаги қарашлар Исломий қарашлар ҳамда алломаларимиз Алишер Навоий, Кошифий, Саъдий Шерозий кабиларнинг ҳикматларида таълимий-ахлоқий жиҳатдан ҳамоҳанглик, яқинликни кўриш мумкин.

Диссертацияда Азизиддин Насафийнинг педагогик қарашларининг мазмуни ва мезони – “Эзгу фикр, эзгу ахлоқ, эзгу амал ва маориф” асосида ўрганилган. Мазкур бобда Азизиддин Насафийнинг педагогик фикрларидан дидактик тизимда фойдаланиш шахс тараққиёти муаммосига ўзгача тавсифни беради.



2-расм. Азизиддин Насафийнинг асарларида келтирилган фикрларга кўра комилликка эришиш тизими


Шу билан бирга алломанинг илмий-методологик қарашларидан дидактик жараёнда фойдаланиш имконияти таҳлил қилинган. Хусусан, “Зубдатул ҳақойиқ” асари иккинчи боб учинчи асл тўртинчи фасли “Насихат” бобида: “Туз тўдасига тушган тузга айланади, ифлосликка тушган ифлос бўлади, зеро нопок ва палитдан, нопок ва палит³ туғилади, сафодан сафо ҳосил бўлади. Сендан туғилган пок бўлиши учун аввал ўзингни пок этишинг керак”, – деган фикрни билдиради.

Аллома фалсафий қарашларининг асл моҳиятида шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар ётади. Ижтимоий омил (“туз тўдасига қўшилган”)нинг тарбияда устувор эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, олим ирсиятнинг (“нопок ва палиддан нопок ва палид туғилади”) муҳим эканлигини қайд этиб, тарбия жараёнида ўз-ўзини тарбиялаш (“аввал ўзингни покла”) ҳам катта аҳамият касб этишини уқтириб ўтади. Бу билан комил инсон тарбиясида бир томондан – ирсиятнинг, иккинчидан-хулқнинг мўътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соғлом бўлиши таъкидланади. Демак, Азизиддин Насафий комил инсон тарбиясида барча омилларни биргаликда амалга ошириш ва яхши хулқни тарбиялаш мумкинлигини таъкидлаб ўтади.

³ ПАЛИТ- (форсча- кир, ифлос, нопок, мурдор, харом) 1. Жуда ортиқ даражада кир, ифлос.

Азизиддин Насафий комил инсон хулқини тарбия қилишда меъёрга амал қилишни насихат қилади. Аллома меъёрга амал қилиш ҳар бир инсонни хурматли бўлишини кафолатловчи мезон эканлиги айтади. Меъёрдан ортиқча сўз айтиш, ҳаттоки насихатни ҳам ортиқчаси комил инсон тарбиясида ўз таъсир кучини йўқотади. “Кўп сўз ва гапларни ёдлашни ҳам ўзингга одат қилма, фикҳни берилиб ўрганишнинг ҳам кўп ҳикмат билишнинг ҳам фойдаси йўқ, кераклисини билиб олсанг, бас”, – дейди аллома. Бу эса тарбия жараёнида муҳим педагогик фикрлар эканлиги таъкидланади.

Мазкур бобда Азизиддин Насафийнинг педагогик қарашларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш механизми таклиф этилган бўлиб, муаммо ечимининг ўзига хослиги таъкидлаб ўтилган (3-расм).



3-расм. Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш механизми

Мазкур механизмни амалага ошириш “Насафийларнинг педагогик қарашлари” дастури асосида олиб борилди (1-жадвал).

Азизиддин Насафийнинг педагогик қарашларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишда қуйидагилардан фойдаланилди:

1) педагогик кузатув, суҳбат, учрашув, анкета ҳамда тест сўровларини ташкил қилиш, давра суҳбати, интервью олиш, конференция, семинар, дебат, амалий тренинг, кўргазма ташкил этиш, экскурсия, танлов, маъруза каби шакллар;

2) ҳикоя қилиш, тушунтириш, Азизиддин Насафий илмий-методологик қарашлари моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбалар мазмунини ўрганиш, кўргазмалилик, амалий машғулот, экскурсия, намойиш этиш, “Муз ёрар”, “Қарорлар қабул қилиш технологияси”, “Каскад”, “Свот-тахлил”, “Ассисмент”, “Инсерт” каби методлар.

**“Насафийларнинг педагогик қарашлари” дастури
асосида олиб борилди**

Мавзулар т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Бажарилиши	
		Маъруза	Амалий
1	Насафийларининг педагогик қарашлари фанининг предмети, мақсади ва вазифаси	4	2
2	Насафийларининг педагогик қарашлари фанининг назарий асослари	2	4
3	Насафий мутафаккирлар Абу Туроб Аскар ал- Хусайн ан-Нахшабий ан-Насафийнинг маънавий мероси ҳамда унинг баркамол авлод таълим-тарбиясидаги ўрни	4	4
4	Абул Муин ан-Насафийининг илмий-педагогик, маънавий мероси ҳамда унинг баркамол авлод таълим-тарбиясидаги ўрни	4	4
5	Азизиддин Насафий таълимоти –маънавий – ахлоқий тарбия мазмунини такомллаштирувчи педагогик восита эканлиги	4	4
6	Азизиддин Насафий ҳикматлари ва унинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни ва аҳамияти	4	4
7	Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақоик”, “Комил инсон” асарлари маънавий фикрий- юксакликнинг наъмунаси сифатида	4	4
8	Зиёуддин Нахшабий асарларида ахлоқий таълим-тарбиянинг ёритилиши	4	4
	Жами	30	30

3) Ўқув манбалари, аллома ижоди борасида маълумотлар берадиган илмий, фалсафий ва бадиий йўналишларда яратилган асарлар, талабалар, ўқув ва техник жиҳозлар, ахборотли технологиялар (телевизор, компьютер ва аудиовизуал, видеороликлар) каби воситалар.

Шунингдек, мазкур муаммо доирасида “Насафлик алломаларнинг маънавий мероси” номли электрон дастури таклиф этилиб, амалиётга жорий қилинди. “Насафлик алломаларнинг педагогик қарашлари” ўқув дастурига муофиқ яратилган ўқув қўлланма талабаларнинг бу борадаги билим даражасини кескин ривожлантиришга хизмат қилди. Тадқиқот давомида бир қатор “Азизиддин Насафий башарият нигоҳида”, “Насафийлар авлодимиз”, “Азизиддин Насафий комил инсон ҳақида” каби маънавий-маърифий тадбирларнинг олиб борилиши натижасида Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан педагогик жараёнда фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада ортиб борди. Бунда талаба фаолиятли ёндошув асосида амалий-семинар машғулотларда, мустақил таълим топшириқларини бажаришда, ўз-ўзини касбий билимларини ривожлантириш жараёнида бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Учинчи боб “Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан дидактик жараёнда фойдаланиш бўйича педагогик тажриба-синов

ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси” деб номланган бўлиб, унда тажриба-синов ишларининг бошланғич шартлари, муаммога доир тажриба-синов ишлари таҳлили ва натижалари ҳақида фикр юритилган. мазкур тадқиқотнинг тажриба-синов иши учун Қарши давлат университети, Термиз давлат университети, Бухоро давлат университети, Жиззах педагогика институтининг Бошланғич таълим ҳамда Педагогика-психология таълим йўналишининг жами 492 нафар талабалари иштирок этишди. Шундан, ҚарДУ 136 нафар, ТерДУ 64 нафар, БухДУ 165 Жиззах педагогика институтидан 127 нафар талаба иштирок этиб, 250 нафари тажриба гуруҳи, 242 нафар талаба назорат гуруҳи этиб белгилаб олинди.

Маълумки, педагогик йўналишларда ташкил этиладиган тадқиқотлар ўрганилаётган муаммонинг амалиётдаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, таҳлил, синтез, таққослаш натижасида амалга оширилади. Юзага келган муаммонинг умумий ҳолатига баҳо беришга йўналтирилган амалий фаолият алоҳида ўрин тутди. Олий таълим тизимида Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан фойдаланишнинг тажриба-синов жараёни амалий натижаси сифатида қуйдаги: биринчидан, тадқиқот майдонини яратиш; иккинчидан, тадқиқотни доирасини белгилаш; учинчидан, тадқиқот доирасини белгилаш ёрдамида маълумот тўплаш; тўртинчидан, тадқиқот бўйича талаб ва хоҳиш ўртасидаги муносабатларни ўрганиш; бешинчидан, ишда инновацион ишланмалар тайёрлаш ва киритиш каби вазифаларга эътибор қаратилди.

Олий таълим муассасалари талабаларида Азизиддин Насафий илмий-методологик қарашларини эгаллаганлик даражаси сифат кўрсаткичларига мувофиқ математик-ситатистик метод асосида таҳлил этишга имкон берувчи аъло, яхши, қониқарли ва қониқарсиз даража ва мезонларга ажратилди. Хусусан:

1. Аъло даража алломанинг ҳаёти ва ижоди фаолияти борасида тўлиқ ва аниқ маълумот бера олади, “Комил инсон” шахсни маънан етук, ахлоқан покликка етаклаш, ўзлигини англаш, шахсни тарбиялаш ҳақидаги асар эканлигини англайди. “Зубдат ул ҳақойиқ” инсонга илмий-методологик қарашлар орқали маънавий таъсир кўрсатиш, шархлараро ўзаро муносабатга эътибор қаратилганлигини тушунади ва фойдалана оладиган талаба,

2. Яхши даража – алломанинг ҳаётини ва ижодий фаолияти борасида маълумот бера олади, “Комил инсон” шахсни маънавий етук ахлоқан покликка етакловчи асар эканлигини англайди, “Зубатул ҳақойиқ” асарида инсон ва оламнинг ўзаро алоқаси, унда шахслараро ўзаро муносабатга эътибор қаратилганлигини тушунади бироқ бу борада етарли даражада фаоллик кўрсата олмайдиган талаба.

3. Қониқарли даража – алломанинг ҳаётини ва ижоди борасида қисман маълумот бера олади, “Комил инсон”, “Зубатул ҳақойиқ” асарида инсон ва оламнинг ўзаро алоқаси, унда шахслараро ўзаро муносабатга эътибор қаратилганлигини қисман тушунадиган талаба.

4. Қониқарсиз даража – алломанинг ҳаётини ва ижодий борасида деярли маълумот бера олмайди, “Комил инсон”, “Зубатул ҳақойиқ” асарида инсон ва оламнинг ўзаро алоқаси, унда шахслараро ўзаро муносабатга эътибор қаратилганлигини тушунтира олмайдиган талаба.

Шунингдек, бобда ўтказилган тажрибалар мазмуни, амал қилинган тамойиллар, сўровномалар таҳлили, талабаларнинг фикрлари муҳокамага тортилади. Улардаги ижобий жиҳатлар ва камчиликларга муносабат билдирилади.

Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан дидактик жараёнда фойдаланиш бугунги кунда талаб даражасида эмас. Бу эса тадқиқот ишимизнинг кейинги босқичларида муаммо бўйича илмий асосланган методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Шу боис олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида талабаларга Азизиддин Насафий қарашларига нисбатан мотив уйғотишга, мустақиллигини, фаоллигини ошириш, алломанинг шахс маънавиятини ривожлантиришга қаратилган фикрларидан дидактик тизимда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.


Талабаларнинг Азизиддин Насафийнинг методолик қарашларидан фойдаланишнинг тажриба-синов ўтказилган барча Олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалари (тажрибадан кейин) 2-жадвал.

2-жадвал

Олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалари (тажрибадан кейин)

ОТМ номлари	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Барча ОТМлар бўйича умумий натижалар	Аъло	34	13,6	71	28,4	29	12,0	46	19,0
	Яхши	76	30,4	108	43,2	74	30,6	93	38,4
	Қониқарли	118	47,2	71	28,4	115	47,5	92	38,0
	Қониқарсиз	22	8,8	0	0,0	24	9,9	11	4,5
Жами		250	100	250	100	242	100	242	100

Буни қуйидаги диаграмма асосида кўришимиз мумкин:



4-расм. Тажриба-синов натижаларининг диаграмма кўриниши.

Тажриба-синов натижалари таҳлилига кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гуруҳидаги талабаларга нисбатан билим, кўникма ва малакалари самарали шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилди, аниқлаштирган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат гуруҳидаги талабалар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стьюдентнинг танлама мезони, К. Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

3-жадвал

1 ва 2- тажриба-назорат гуруҳи бўйича танланмалар жадвали

		1-танланма				
Тажриба гуруҳи	X_i	Юқори	Яхши	Ўрта	Паст	Жами
	n_i	71	108	71	0	N=250
		2-танланма				
Назорат гуруҳи	Y_j	Юқори	Яхши	Ўрта	Паст	Жами
	m_j	46	93	92	11	M=242

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1000}{250} = 4,00 \approx 4 \quad \text{Фоизда} \quad \bar{X}\% = \frac{4,00}{3} \cdot 100\% = 133\%$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{900}{242} = 3,71 \approx 3,7 \quad \text{Фоизда} \quad \bar{Y}\% = \frac{3,71}{3} \cdot 100\% = 123\%$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(133-123)\% = 10\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{133\%}{123\%} = 1,08$ баробар ортиқлигини англатади.

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони нолдан катталиги ($K_{yc\delta} = 0,97 > 0$) ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини ($K_{\delta\delta\delta} = 0,33 > 0$) кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = 9,66$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 9,66 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари коммуникатив компетентликни шакллантириш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига киритилган ўқув методик таъминот ҳамда методика асосида олиб борилган назарий ва амалий, мустақил таълим машғулотлари самарали эканлигидан далолат берди. Олий таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик жиҳатдан исботланди.

ХУЛОСА

1. Азизиддин Насафий илмий-методологик қарашларида маънавий-ахлоқий таълимотини ўрганиш педагогик-методологик муаммо сифатида Франция, Германия, Туркия, Эрон каби давлатлар тадқиқотчиларининг илмий-фалсафий, психологик, маънавий-маърифий қарашлари тазкиранавислик (антология), шарҳнавислик, таржимонлик ҳамда тадқиқот йўналишлар бўйича ўрганилган.

2. Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул ҳақойиқ”, “Комил инсон” асарлари шахсни маънан етуклик, ахлоқан покликка етаклаш манбаси экани, илмий-методологик қарашлари инсон маънавий-ахлоқий тарбиясида “катта ва кичик олам”, “илм ва илмсизлик”, “одоб-ахлоқ”, “устоз-шогирд”, “жамоа” йўналишлари асосида таснифланиши таълим жараёнида фойдаланилиш имкониятларини такомиллаштиради.

3. Олий таълим тизимида Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан дидактик жараёнда фойдаланишнинг мавжуд ҳолати бакалавр босқичида ўқитилиши йўлга қуйилган ўқув фанлар ва аудиториядан ташқари ишлар, мустақил таълим жараёнини педагогик имкониятларини кенгайтиради.

4. Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашларидан таълим жараёнида фойдаланиш мазмуни “Зубдатул ҳақойиқ”, “Комил инсон” асарларидаги шахснинг шаклланиши ва тузилиши, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар, шахс шаклланишида миқдор ва сифат ўзгаришлари, алломанинг комилликка эришиш йўлидаги таълимоти, шахснинг маънавий-ахлоқий кўриниши, маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтирувчи омиллар, устоз ва шогирд муносабатлари, таълим ва тарбия методлари таснифи, маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари, омиллари ҳамда шаклланганлик даражаси сифатида таснифлаш имконини беради.

5. “Насафий алломаларнинг маънавий меъроси” номли электрон дастур тузулмаси, “Азизиддин Насафийнинг таълим-тарбия ҳақидаги қадриятларга оид фикрлари” номли рисола, “Насафий алломаларнинг педагогик қарашлари” номли фан дастур, ишчи дастур, ўқув қўлланма, аннотация, маъруза

машғулотлар мазмуни, амалий машғулотлар мазмуни, слайдлар, фан бўйича назорат саволлари, тест саволлари, ҳикоялар, ҳикматли сўзлар, глоссарий ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ишлаб чиқилган. Мазкур фан дастури Қарши давлат университети “Бошланғич таълим” йўналиши амалиётига танлов фан сифатида жорий эилган.

6. Тажриба-синов ишларининг мақсади, вазифалари, кутиладиган натижаларни баҳолаш мезонлари, тажриба-синов ишлари объекти (предмети), босқичлари тажриба-синов методлари ва дастури асосида қайд этувчи, шакллантирувчи ҳамда тадбиқ этилувчи босқичларда амалга оширишни талаб қилади.

7. Таълим мазмунида Азизиддин Насафийнинг маънавий меъросидан талабаларда миллий ва умуминсоний кадриятлар негизида илмий-амалий дунёқарашни, юксак маънавият ва ижодий тафаккур, эътиқод ва ижтимоий фаолликни шакллантиришда фойдаланиш кутилган педагогик-психологик самарани беради.

8. Таълим жараёнида Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қаршларидан дидактик жараёнда фойдаланиб, талабаларда таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

9. Аудиториядан ташқари машғулотларда Азизиддин Насафийнинг маънавий меъросидан фойдаланиб, талабаларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминаллик руҳини ривожлантириш таъминланади.

10. Азизиддин Насафийнинг илмий-методологик қарашлари таълим-тарбия жараёнида мустақил фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қилишга қодир, ҳар томонлама, ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришда фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижалари Азизиддин Насафийнинг меросини ўрганиш юзасидан қуйидаги **тавсия**лар ишлаб чиқилди:

1) Глобаллашув жараёнида шахс таракқиётида Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон” асари ғоялари асосида “Тарбия технологиялари”ни ишлаб чиқиш;

2) “Азизиддин Насафий аллеяси”ни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

3) Азизиддин Насафий маънавий меросини ўрганишга бўлган қизиқишни оширишда мунтазам равишда Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида “Насафий алломалар ва ёшлар” танловини ташкил этиш.

4) Педагог ходимларни қайта тайёрлаш курсларида “Насафийлар таълимоти” ўқув курси ёки модулини киритиш.

5) Умумий педагогика фанининг Педагогика тарихи бўлимининг “Шарқ уйғониш даврида педагогик фикрларнинг ривожланиши” бобида киритиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ
НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАЗАКОВА МАРХАБО КУДРАТОВНА

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ
АЗИЗИДДИНА НАСАФИ В ДИДАКТИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ**

13.00.01 – Теория педагогикию История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Карши – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан заномером В2019.2.PhD/Ped 896.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.qarshidu.uz) и информационном образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант: Шодиев Ризамат Давронович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Каххоров Сиддик Каххорович
доктор педагогических наук, профессор


Нуруллаева Шахло Уктамовна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «25» 09 2021 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180100, город Карши, улица Кучабог дом № 17). Тел.: (+99875) 225-34-13; факс: (+99875) 221-00-56; e-mail: kardu@mail.ru). Каршинский государственный университет, Педагогический факультет, кабинет № 201.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 65). (Адрес: 180100, город Карши, улица Кучабог, дом № 17. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «13» 09 2021 года
(реестр протокола № 12 от «13» 09 2021 года).



Б.Р. Адизов
Заместитель председателя Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук, профессор

И.Б. Камолов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD)

Х.О. Жураев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н. (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Существование великих предков, внесших вклад в обогащение ценностей, национальных традиций, духовного наследия в интересах человечества, играет важную роль в определении места каждого народа в мировой цивилизации.

Духовное наследие нашего предка Азизиддина Насафи, занимающего свое место в мировой философии, и его представления об идеальном человеке изучали исследователи из разных стран, в том числе из Ирана Абульхосейн Зарринкуб, Ахмад Махдави Домгани, из Европы Август Мюллер, Ллойд Рейджен, и в частности французы Э.Х. Палмер, Мор Жан Мола, немецкий востоковед Фриц Мейер, русский востоковед А.Е. Бертельс эффективно были изучены с большим интересом и его произведения были переведены на эти языки и их предоставление широкому кругу читателей имеет важное значение.

Сегодня процесс становления демократического правового общества в нашей стране продолжается, а формирование новых общественных отношений требует широкого использования уроков культурного наследия. Традиции предков и прошлые ценности служат важным инструментом в развитии членов общества, особенно молодежи, как разносторонних людей. В произведениях Азизиддина Насафи, где моральные нормы определены как главный критерий жизни, отражены образцовые представления о физической, духовной, духовной зрелости и характере человека. В частности, освещается ряд вопросов, таких как семья, общество, труд, профессия и образование, а также роль учителя в воспитании идеального человека. Отмечается, что «Основная задача – воспитывать физически здоровую, умственно и интеллектуально развитую, независимую, сильную молодежь, верную Отечеству, углублять демократические реформы и повышать их социальную активность в развитии гражданского общества».¹ Осознавая, что наше богатое духовное наследие и национальные ценности являются фактором, который развивает духовность студентов, обеспечивает развитие общества и эффективно влияет на выполнение этой задачи, важно определить возможности и расширить педагогические условия.

Данная диссертация в определенной мере служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УК-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 февраля 2017 года, УК-5106 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержка деятельности Союза молодежи Узбекистана» от 5 июля 2017 года, в Указе Президента Республики Узбекистан № УК-5712 «Об утверждении Концепция развития народного образования в Республике Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 г. и других нормативных актах.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакаатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном и духовно-образовательном развитии информативного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Сравнительное исследование общей характеристики духовно-эстетического творчества Азизиддина Насафи в нашей стране и содержания концепции совершенного человека проводилось с точки зрения некоторых ученых-мистиков таких как Наджмиддин Камилов, Одил Давлетов, Абдулла Шер, Ибрагим Хаккуль, духовно-эстетического творчества Насафи изучили М. Нурматова, Б. Каххорова.

В исследовании ученых из Содружества Независимых Государств А.Е. Бертельс, П.Ш. Сайджафарова, И.Ю. Шарифова описаны возможности и механизмы научно-педагогических, научно-методических исследований с мировоззренческих взглядов Азизиддина Насафи.

Зарубежные ученые – Абулхусейн Зарринкуб, Ахмад Махдавии Домгани, Август Муюллер, Ллойд Рейджен, Э.Х. Палмер, Мор Жан Мола, Фриц Мейерс провели исследования в области научных, философских, художественных и образовательных аспектов наследия Азизиддина Насафи.

